

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 95 (65971)  
1996 йил, 21 декабрь, шанба

Сотувда эркин  
нархда

## Муҳаррирга мактуб

### Кўнгли очикнинг йўли очик

Ассалому алайкум, Умида опа! «Тонг юлдузи»нинг сунгги сонларини варақлаб обуна масаласида қайгураётганларингизни ҳис қилдим ва Қизилтепа, Навоий, Навбахор, Гиждувон туманларидаги ташкилот ва мактабларни жуда яхши билишим сабабли фирма, савдо ташкилоти раҳбарлари йиғилишларини мулжаллаб бориб, у ерда болаларимизни обунага жалб қилишимиз кераклиги ҳақида гапирдим. Қизилтепадаги ёқилги маҳсулотлари базасига Абдурахмон ака Исломов раҳбарлик қиладилар. Бу саховатпеша инсон эртасигаёқ, Охунбобоев номли мактабда ўқиётган қизидан 5 минг сўм пул бериб юборибди. Мактаб директори Толиб Жураев мени кўриб қолиб, бу пулга оиласи ночор, аммо илмга иштиёқманд ўқувчилардан 10 тасини «Тонг юлдузи»га обуна қилдирганликларини айтдилар.

Дон маҳсулотлари базаси бошлиғи Рустамжон ака Раҳимов ҳам Ғардиёндаги Муқимий номли мактабда ўқийдиган қизи Гулмира орқали директорига 5 минг сўм бериб юбориб, обунага ёрдам бермоқчи эканликларини билдирибдилар. Матлубот жамияти бошлиғи Нурилла Саъдуллаев эса Э. Сачпқов номли мактабнинг олти нафар ўқувчисини, туман прокурори Адхам Деҳқонов, туман суди раиси Уктамжон Ҳолиқовлар шаҳардаги С. Айний номли мактабнинг кам таъминланган оилалардан 8 нафарини йил буйи газета ўқишларига имконият яратибдилар. Гиждувон бозорқуми Ҳамид Эълов 6 нафар, «Тадбиркорбанк» бошлиғи Салоҳиддин Саматов, Ғардиёндаги Бобур номли мактабдан 5 нафар, «Зилола» тикувчилик фирмаси бошлиғи Рустам Саломов — Ванғозидаги Ибн Сино номли мактабдан 5 нафар ўқувчини уз ҳамёнларидан газетага обуна қилдилар. Вилоят ДАН маскани бошлиғи Абдурашид Турсунов Островский номли мактаб ўқувчиларидан 11 нафарини, Навоий туман прокурор ёрдамчиси эса 5 нафарини уз газеталарига обуна қилдириб берибдилар. Қизилтепадаги 5-ПМК бошлиғи Бахтиёр Жумаев, Амир Темур мактабидан 5 ўқувчини, «Замон» ҳиссадорлик жамияти раиси Замонбой Юсупов Ўзбекистон мактабидан 7 ўқувчини «Тонг юлдузи»га обуна қилдирдилар. Туман электр тармоқлари ҳисобчиси Малика Насуллаева ҳам бу савобдан баҳраманд бўлишга ният қилдилар ва узлари ўқиган 32-лицей мактабининг аълочи ўқувчиларини «Тонг юлдузи»га обуна қилдилар.

Обуна ҳали давом этмоқда. Салом билан,

**Сачоқ ЭГАМОВ.**


Хурматли С. Эгамов! Қаранг, бир зиёлининг тарғиботи қандай бўлибди. Сиз кабилар омон бўлса, саховатталаб, савобталаб инсонларимиз бисёр. Фақат уларга эслатиш керак. Ахир шундоқ ҳам иши бошидан ошиб ётган тадбиркор раҳбарлару, ишбилармон кишилар обуна мавсуми давом этаётганидан беҳабар қолишлари мумкин. Бир оғиз сўз, бир оз эътибор, уларнинг дилини шуглалантириб юборади. Вилоятларда бўлганимизда бекатларни оппоқ гиштлар билан таъмирлаётган, чойхона, ошхоналар қуриб, шоҳона дўконлар солаётган бунёдкор одамларимизни кўриб кўнглимиз фаҳрга тўлади. Яратиш ишқи билан банд ота-оналаримиз азиз гўшаларини обод қилиб, одамлар оғирини енгиллатишга ҳиссаларини қўшишаяпти. Қани энди сиз каби ўқитувчи ёки муҳбир, боғча тарбиячиси ёки кутубхоначиси — болалар билан ишлаб, ўзи ҳам беғубор болалигини йўқотмаган инсонлар кўп бўлса-ю тадбиркорларни ҳам уйқудан уйғотишса, болаларимиз маънавияти уйғонарди. Эртанги кунимиз баркамол инсонлар билан мукаммаллашарди. Ахир ишбилармонлар ўз болаларидан, ўз келажакларидан қандай аяшин, арзимаган пулларини? Саховатингиздан умидвормиз, азизлар!

### МАҚТАСАНГ САХИЙНИ МАҚТА

Мактабга газ келди, деб ёзиш кимнидир ҳайрон қолдиради. Кимнидир уйга толдиради, кимнидир уялтиради, кимнидир хурсанд қилади. Ахир «шу пайтгача мактабинглар газсиз экан-да», дейишлари тайин. Нима қилайлик. Шундай эди. Аммо қаловини топиб, қорни ёндирадиган ота-оналаримиз, меҳрибон устозларимиз бизни қиш совуғидан омон олиб чиқишарди. Утин, кўмир ташиб, қулини олиб, оловини ёқиб жуда кўп меҳнатлари сарф буларди. Энди Жудрук кишлоғимиздаги кўп хонадонлар қаторида 5-урта мактабимиз ҳам зангори олов мўъжизасидан баҳраманд була бошлади. Чунки мактабимизнинг собиқ ўқувчилари, қулини қаёққа чўзса етдиган, тадбиркор Тоғай Ботирбеков 400 метр газ тру-

баси олиб бердилар, Асқар Утамалиев (Ўзбекистон жамоа ҳужалиги бошқаруви раиси) жамоа ҳисобидан 82 минг сўм пул утказдилар, туман халқ таълими бўлими мудирини Тоҳир Норматов 52 ярим минг сўм, Истиқлол фуқаролар йиғини раиси Мирза Саидазимов 13 минг 500 сўм, Сайлов Баратов раҳбарлигидаги мактаб жамоаси 7 минг сўм пул утказишди. Туманимиз овқатланиш корхонаси директори Райҳон Турақулова, мактаб ота-оналар қўмитаси раиси Суюнбек Қобуловлар ҳам бу хайрли ишдан четда қолишмади. Эндиликда қалин уст-кийимлар кийиб, қишда пахталикларга уралиб, дарс тинглашдан халос бўлдик. Озода, саранжом синфхоналарда сабоқ олиш қандай яхши. Раҳмат, меҳрибонлар!

**Л. МАНСУРОВ,**  
Юқори Чирчиқ тумани.



Тоғай Ботирбеков, "халқ таълими"нинг олтин бешигинг

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ИБТИДОИЙ ЗАМОНДА ПАЙДО БЎЛГАН

Ҳа, уша пайтларда, ундан кейин ҳам «санъат» сузи ҳунар маъносини англатар экан. Кейинчалик бу атама янада қадрланиб, кенгрок, серқиррали маъно касб эта бошлади. Келинг, яхшиси санъат ва унинг турлари ҳақида янада кўпроқ тасаввурга эга бўлиш, тасвирий санъатнинг ноёб дурдоналари билан танишиш мақсадида республика санъат музейига саёҳат қилайлик. Музейимизни кўплаб қизиқарли экспонатлар билан бойитишда талайгина қазилма ишлари, кузатишлар олиб борган олимларимиз Яҳе Гуломов, Баҳодир Турғунов, меъмор, катта тадқиқотчи Пулат Зоҳидов сингари заҳматкаш инсонларнинг хизматлари беқиёсдир. Музей заллари буйлаб юрар эканмиз, Зараутсой тасвирлари ҳаёлимизни тортади. Аждодларимизнинг овчилик билан шугулланаётганлари ута маҳорат билан тасвирланган. Сурхондарёдан топилган табиий рангларда акс этган овчи ва турли ҳайвонлар расмини қоя тошларга чизилганига ун беш минг йил бўлибди. Эрамиздан аввалги I-III асрларда яратилган Ҳолчаён қалъасидан топилган лой ҳайкаллар Искандар Зулқарнайн даврида юнон ҳайкалтарошлари томонидан яратилган, дейилса ҳам, ҳайкалларнинг кўпчилиги узбекларга ухшаб кетиши боис, улар орасида узбек ҳайкалтарошлари ҳам бўлган, деган тахмин ҳам йўқ эмас. Малика, шаҳзода, шоҳ, вазир, чавандоз, масҳарабоз, созанда, раққосаларнинг ҳайкаллари қўрғон деворларига зўр маҳорат билан ишланган.

Яна бир хонада эрамиздан аввалги VII асрдаги қадимий шаҳар— Вараша харобаларидан келтирилган қушлар, балиқлар тасвирлари оҳақтошларда акс эттирилган. «Ов манзараси» деб номланган каттагина деворий расмда эса вазири билан филда овга чиққан шоҳнинг бир йўла икки қоплонга дуч келиб, улар билан олишаётгани тасвирланган. Унинг ёнгинасида бошида одам бош суяги акс этган баҳайбат Дев ҳайкали турибди.

Археологларнинг тинимсиз изланишлари натижасида Сурхондарё вилоятининг Зар тепа, Бухоронинг Бош тепа, Тошкентнинг Юнусободидаги Оқ тепадан ҳам одам ҳайкаллари ва расмлари чиққан. Буларнинг бари уз даврида меъморий безак ҳисобланган. Эрамизнинг VII асрига қадар ҳайкалтарошлик, деворий суратлар ишлаш ниҳоятда ривожланган. Туронзаминда яратилган бу санъат турлари ҳеч бир халқ, мамлакат санъатидан қолишмаслигини археолог олимларимиз исботлашган.

Ислон дини тасвирий санъатимиз ривожига тўсқинлик қилганми? Бу саволга лунда жавоб — инсоният онгини шуғуланттирган «Куръони карим» булди. Ақл-заковат изга тушди, Оллоҳ ягоналигига имон келтирилди.

Муъжаз тасвирлар, қушлар, турли жониворлар, ҳатто одамлар тасвиригача халқ санъати турларида уз аксини топа бошлади. VII-VIII асрларда Самарқандда инсон тасвири сопол, куйдирилган лойларда гавдалантирилди. Самарқанд ҳунармандлари сопол лаганларга одам, от, қушлар тасвирларини туширишган бўлса, тошкентлик усталар табиат манзараларига қўшиб жониворлар тасвирларини ҳам яратишган. Яна уй-рузгор буюмларида жанг манзаралари, баҳодирларнинг яккама-якка курашаётганликлари ҳам уз аксини топган.

Тасвирий санъатимизни диний эътиқод энг ривожланган XV-XIX асрларда қурилган Шердор мадрасаси, Оқсарой деворлари ва пештоқида ҳам кўриш мумкин. XIX асрда Нуротада мрамор тошда акс эттирилган «Сув шери», Ситораи Мохи Хоссадаги мраморда тасвирланган шерлар фикримиз далилидир.


Халқ санъати, меъморчиликдан ташқари санъатимизнинг яна бир гузал ва нафис тури борки, у наққошлиқдир. У лотинчада «миниатюра» деб ҳам юритилади. Мусаввирликнинг бу туридан кўпроқ китобларни безашда қўлланилади. Расм чизиб, бадиий асар яратувчи кишиларни гоҳ рассом, гоҳ мусаввир деб атаймиз. Кимлардир бу икки сузнинг маъноси бир, десалар, яна бир гуруҳ кишилар уларнинг маъноси бошқа-бошқа, деган фикрни билдирадидилар. Хуллас, тасвирий санъатимиз атамалари ҳақидаги бахсларнинг поёни йўқ...

Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалоловнинг ҳам бу хусусда уз фикрлари бор: «Рассом бадиий ижодкор бўлса, мусаввир нусха кучирувчи» деган маънони англатади. Балки «рассом» сузи оврупача ижодга хосдир, «мусаввир» эса туркий атама. Нима булганда ҳам хоҳ рассомми, хоҳ мусаввир, яхши ижодкор бўлса бас. Биз санъатнинг бу тури керак, буниси эса нокерак, деёлмаймиз. Халқнинг узи керагини, маъқулини танлаб олаверади.

Хулоса шуки, ҳар қандай тортишув, қарама-қарши фикрлар булишидан қатъий назар, санъат тараққиётида тасвирий санъатнинг урни катта булди. Шунинг учун ҳам у асрлар мобайнида яшаб келди ва ривожланиб бораверади.

**Маҳмуд АХМЕДОВ,**

**Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти тасвирий санъат бўлими илмий ходими.**



Истиқлол туфайли ўқувчилар билимини мустақкамлаш учун ҳаракат кенг тус олди. Қандай бўлмасин ёш авлод тасаввур ва тафаккури ҳавас қилса арзийдиган бўлиб улғайиши керак. Чунки мустақил мамлакатимиз ана шундай фарзандлари туфайли қаддини тиклайди. Мутелиқдан, қарамликдан мангу халос булади. Бунинг учун турли олийгоҳлар қошида ташкил этилган маҳсус лицейлар ҳам самара бериши аниқ. Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтидида Мирзо Улугбек номли лицей-интернат ёши ҳам истиқлол билан тенг. 300 нафар ўқувчини уз бағрига сиғдирган билим даргоҳида малакали мута-



хассислар ишлашади. Уларнинг сабогини олган собиқ ўқувчилар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидида, Тошкент давлат ҳуқуқшунос-

«Ширинзабон» тугараги аъзоларининг фаолияти ўқувчиларни қизиқтирмоқда. Айниқса, бу тугаракнинг нотиклик санъатида ҳиссаси катта. Ту-

## «ШИРИНЗАБОН»

лик олийгоҳи каби турли билим масканларида ўқишяпти. Америка, Малайзияларда ҳам бу даргоҳнинг талабалари билим олишни давом эттирмоқдалар. Лицейда ўқувчилар илм йўлига тушиб, санъат ва маданиятдан узоқлашиб қолмасликлари учун ҳам диққатга лойиқ ишлар қилинади.

гарак раҳбари Омонулла Абдусаломов ўқувчилар ёши, савиясига қараб асарлар танлайди. Натижада ишга иштиёқ билан киришган ёш ижодкорлар уз тенгдошларининг буш вақтларини кўнгилли утказишларида ижобий роль уйнайдилар.

Суратларда: «Ширинзабон» тугараги аъзоларининг янги йил кечаси учун тайёргарлик кўраётган пайти. Улар янги саҳна асарини ўқувчиларга тақдим этишдан олдин муҳандислик иқтисодиёт институти ректори, иқтисод фанлари доктори Абдулазиз Сотволдиев ва лицей-интернат директори, иқтисод фанлари номзоди Иброҳимжон Жўрабоев, институтнинг тажрибали профессор ва ўқитувчилари кўригидан ана шундай ўтказишади.



## ДАВР ТАЛАБИ

Давримиз нимани талаб қилмоқда? Маънавиятни бойитишни. Оёғимиз ерда турсину, нигоҳимиз бутун дунёни кузатишини. Олам, одамни англашни. Англаб, онгли аралашини. Назир Сафаров номли 137-мактабда ўтказилган ёшлар ва маънавият мавзусидаги илмий-амалий тадбирдан кутилган мақсад ҳам шу эди. Мактаб директори Холисхон Абдуғаниева:

— Келажакимиз сиз мактаб партасида ўтирган ўқувчилар қўлида экан, йўлингизда учрайдиган дангасалик, ишқасмаслик, лоқайдлик каби иллатлардан голиб чиқиб, кўнглингизда Ватан ишқи, юрт ташвиши учун елиб-югуриб яшаш туйғусини жўш урдиринг, — дедилар. — Юксак ахлоқли, маънавий ва маданиятли фарзандларимиз билан фахрланамиз.

Тарих фанлари номзоди Турғун ака

Файзиев эса маънавият тушунчаси умуминсоний, миллий ва маънавий кадрларимиз деганда нималарни англаш лозимлиги ҳақида тўхталдилар.

Бобомиз «Амир Темур қандай илм олган эдилар?», «Энг катта бойлик нимада: пулдами ёки билимда?», «Бугунги кун ўқувчиси қандай бўлиши керак?» деган саволни уртага ташлаган ўқувчилар йиғин сўнгида шу мавзуга оид саҳна қуринишларини ижро этиб бердилар. Натижада, илм-ҳунар эгаллашни унутиб қўяётган, ахлоқ қоидаларига риоя қилмайдиган, тафаккури тор, қалбида илмга чанқоқлик иштиёқи сусайган ўқувчилар сезгир тортдилар. Шу кеча-кундузда мактабда булсангиз, билим олишга қизиқиб кетган ўқувчилардан кўнглингиз тоғдек кутарилади. Ахир давр талаби ҳам шу-да!

**Нодира НАЗАРОВА,**  
ўқитувчи.

## Болаларга қайғурмоқ — келажакка қайғурмоқ

Сирдарёга борганимда Шароф Рашидов тумани халқ таълими бўлими мудири Холмумин Шукуровга учрашгим келаверади. Чунки Холмумин ака тажрибали мураббий, тадбиркор раҳбарлигидан ташқари ижодкор ҳам. Шеърлари, мақола ва лавҳалари мамлакатимиз матбуотида кам кўринса-да, лекин у кишини ижодкор сифатида танийдиганлар кам эмас. Мени кўриб, кўзлари чарақлаб кетди. «Тонг юлдузи»дан кепсиз-да», дедилар кулиб.

— Туманимизнинг ўзида 10 минг ўқувчи бор. 21 мактабу 7 та боғчанинг ҳар бири камида ўнтадан ёзилганда ҳам, «Тонг юлдузи»нинг ўқувчилари мингларга кўпаяди, деяверинг.

— Ундай бўлмапти-да, аввалги замонларга ухшаб ўқитувчиларнинг ойлик маош-ю ўқувчиларнинг пахта ёки сабзавот йигим-теримида иштирок этиб олаётган пулидан зўрлик билан обуна қилиш пайти утиб кетган деб юравериб, жуда кўп обуначиларимизни йўқотдик. Энди ҳайронмиз. Халқ таълими вазири ва Давлат матбуот қўмитаси раиси номидан бошқарма бошлиқларига хат жўнатилган. Узимиз ҳам ҳамма вилоят ҳокимлари-ю туман раҳбарларини «Тонг юлдузи» деган газета чиқаяпти. У республика ўқувчиларининг яқкаю-ягона газетаси. «Ленин учқуни»ни ўқиб улғайганингиз аниқ. Уша учқунининг номи энди юлдузга айланган. Истиқлол болаларини истиқболга етаклайдиган газета — «Тонг юлдузи» деб хат билан қалбига қўл солишга ҳам интилаяпмиз. Аммо... Тугри, обуна нархи вилоятларда харажатлар сабаб ошиб бораяпти. Лекин фарзандлар учун сақичу вақти утган ялтироқ қоғозлардаги печеньеларни сотиб олишга ҳар куни пул берадиган ота-она йил давомида

«Тонг юлдузи»дан баҳраманд бўлишига монелик қилмайди. Бунинг учун сиз ўқитувчилар ўқувчиларни уйғотишингиз керак. Ўқувчи эса ота-онасини...

Холмумин Шукуров ваъда бердилар. Тумандаги бой ташкилотларнинг раҳбарларини обуна масаласида ёрдамга чорлашини айтдилар ва «вилоят халқ таълими бўлими мудири, раҳбаримиз Светлана Акрамовна ҳам бизга топшириқ берганлар. Опанинг топширигини бажармай қўймаймиз», дедилар кулиб. «Светлана Акрамовна вилоятимиз болала-



рининг маънавияти, иқтидори ва истеъдоди учун йўқ нарсани йўндирадиган, эзгулик йўлида ҳар қандай қайсару ужарларни ҳам кўндирадиган опа», дедилар...

Шу орқаворотдан эшитган илиқ сўзлар кайфиятида Светлана Акрамовна Фуломова қабулига кирдик. Янгилишмаган эканмиз, чиндан ҳам вилоят халқ таълими бўлими мудири маданиятли, маърифатпарвар инсон экан. 312 та умумтаълим мактаблари, 15 та хунар лицейи, 312 та болалар боғчаси-ю, 29 та мактабдан ташқари тарбия муассасаларини назорат қиладиган опадан вилоят болаларининг миллий хунармандчилиқка қизиқишлари қандайлигини сўрадик.

— Шу ниятда 33 та гуруҳлар ташкил қилганмиз, — дедилар С. А. Фуломова. — Мингга яқин болалар 11 касб бўйича: тикувчилик, тўқувчилик, каштачилик, дурадгорчилик кабилар билан танишмоқдалар. 35 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўз

йўналишлари бўйича ўқувчиларимиз ишлаб пул ҳам топшмоқда. Демак, биз ҳам ўша ойлик маошларидан мажбурлаб обуна қиламиз-да, уларни. Ҳеч бўлмаганда уч ойга «Тонг юлдузи»ни олишга мушарраф бўлган болаларни йил давомида ҳақиқий муштарий қилиб, сақлаб қолиш сизларнинг иқтидорингиз, изланишларингизга боғлиқ.

— Икки йилдирки Республика фан олимпиадаларида 6 уринни эгаллаб келаятган ўқувчиларингиз қандай газе-

лик раису бригада бошлиқлари ҳам уз ҳисобидан юзлаб ўқувчиларни республика болалар газетасини ўқишга уз ҳиссасини қўшишга шай турган бир шароитда нега энди сирдарёлик ўқувчилар қоралқалпоқ болаларидан кам обуна бўлиши керак?!

Шу куни Светлана Акрамовна билан вилоятдаги янгича ўқиш ишлари хусусида қизгин суҳбатлашдик. Гимназия ва мактабларда очилган банк ва «Ҳуқуқий билимлар синфи» очилиши, вилоятлар-

эди мамлакатимиз спортчилари, мактаблардаги спортчилари билан шуғулланидиган мутахассислар ҳам Майк Тайсонлару Артур Григорянларни излаб топилса!

Светлана Акрамовна болалар замонавий билим олишлари учун замонавий мактаблар кераклиги ҳақида гапирдилар. Мирзаобод, Гулистон, Янгиер, Ширин, Бахтда иситиш ишлари қайта назорат қилинди, дедилар. Оқолтин, Ш. Рашидов, Меҳнатободдаги купгина мактаблар биноси таъмирталаб, эскирган. Қишдан қийналмай чиқиб олиш учун энг қулай чора — уларни газ, кумир билан вақтида таъминлаш. Янги йилда янги мактаблар қуришни кенгайтирамиз.

Сирдарё вилояти халқ таълими бўлими бошлиғи С.А. Фуломова она булиб болалар соғлигидан гапирдилар, устоз булиб маънавияти учун қайғурдилар. Замонга муносиб инсонлар тарбиялаш нияти эканлигини дил-дилдан ҳис қилдик ва чиндан ҳам «Тонг юлдузи» мизнинг Сирдарё вилояти бўйича бу йил 2 мингдан ортадиган муштарийлари олдида қарздор эканлигимизни англадик. Газетанинг ўқувчи излаб ўқийдиган, замонга ҳозиржавоб бўлиши вилоят болаларидан келадиган хат-хабарлардан ҳам боғлиқ. Лекин очигини айтиш керак. Утган йиллар давомида пойтахт ёнгинасида жойлашган бу вилоят ўқувчилари бизга санокли хат ёзишди. Демак, ўқишмади уз газеталарини. Сирдарёлик муштарийларимизни утиш даврида катта миқдорда йўқотганимизни сездиришди. Ҳамма умидимиз сиздан, Светлана опа! Узингиз айтгандек, болалар кўз ёшини кўрмаслик чорасини излашимиз учун ҳам «Тонг юлдузи» керак. Болалар қувониб, қувончларини юлдуздек порлатиб баланд қилиб юришлари учун ҳам «Тонг юлдузи» керак! Чунки «Тонг юлдузи» болалиқдан сузлайди. Бола булиб, йигисини ҳам, кулгусини ҳам ошқора айтади.

Феруза ОДИЛОВА.

## ВАҚТ — ОДИЛ ҲАКАМ

таларни ўқишни яхши билишади, — дедик кулиб. Рус мактабларини битирган ўқувчиларингизнинг билим даражаси Республикада 2 уриндаю, ўзбек мактабларини битирган болаларнинг билим даражалари эса 6 уринда эканлигини ҳам биламиз. Лекин бу билан уларни ёмон дейишга ҳаққимиз йўқ. Утган йили Мирзаобод туманидаги А. Муҳамедов номли мактаб Республикада энг яхши мактаб, деб топилди. Ва ЮНЕСКОнинг мактаблар бўлимига аъзо қилинди. Икки юз мингдан ортиқ ўқувчиларингиз бор вилоятда ҳеч бўлмаганда «Тонг юлдузи» нинг 10 минг ўқувчиси булса, қани эди!

— Ҳаракат қиламиз. Обуна тугамайдиган жараён. Бу уч ойликда ёзилмаганлар кейинги уч ойликда ёзилашади, унга улгурмаганлар 6 ойликка улгурар. Лекин биз барибир январь ойидан 2000 сирдарёлик ўқувчини «Тонг юлдузи»ни ўқишига имконият яратамиз!

— Бахт шаҳри ҳокими Рустам Тураев ҳам, синдоробод-

да оммалаштирса арзийдиган воқеа булибди. Вилоят прокуратураси уз ҳомийлигига олган бундай синфлар ҳеч бўлмаганда болаларга уз ҳуқуқини танишга ургатади. Вилоятда утган йилга нисбатан болалар уртасидаги кўнгилсизликлар бу йил 13 тага камайтганини ҳам табриклаш керак. Қучалар, бозорларда утказилаётган рейдлар болаларнинг спиртли ичимликлар, сигарета ва пақилдоқу-шақилдоқлар сотиб утиришига чек қўйяпти.

Жиноят йўлига қандай болалар киради? Албатта, бақувват, ўз куч-қувватини қай тарафга йўналтиришини билмаган болалар. Майк Тайсон ҳам болалигида безори, йўл тўсар бўлган экан. Бир яхши инсон сабаб бокс шохсупасига чиқди. Тўполончи, дакки эшитавериб иккидан боши чиқмайдиган болаларни излаб топнадиган жонкуярлар керак. Спортчилар, жисмоний тарбия ўқитувчиларига меҳрим ҳам, қаҳрим ҳам, илтимосу, эзгу ниятларим шундан. Қани

Обуна — 97

### КАТТА КЎРСАТКИЧ БЎЛМАСА-ДА...

Кўздан буён 28-мактабда бош етакчи бўлиб ишлайман. Газета билан танишиб боришим ўқувчилар билан ишлашимда ердан беради. «Одобнома», «Қизлар-қирмизлар» каби рукнлар мени кўпроқ узи-га жалб қилади. Баъзи бир қийинчиликларга қарамасдан ўқувчиларим «Тонг юлдузи»га обуна бўлишларини уюштирдим. Бунда албатта мактабимиз жонкуяр ўқитувчилари ҳам фаоллик курсатдилар. Ҳозиргача 2842 сумлик ва яна 25 нафар ўқувчи 3 ойга обуна бўлишди. Бу жуда катта курсаткич бўлмаса-да мактабимиз учун қувонарли ҳолдир. Обуна ҳали давом этапти. Мактабимиз ўқувчилари узларининг мазмунли хат-хабарлари билан севимли газетамизда иштирок этиш ниятидалар.

Обунада муваффақият тилаб,  
**Шахло ШАРОПОВА,**  
Тошкент.



Сирдарё туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси Ханифа опа Фаниевани болалар ҳақиқий устоз деб биладилар.

Сураткаш: Х.ЗУЛФИҚОРОВ.

Шу сонга хабар

### ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТИЛАДИ

Юртимиз мустақил бўлганига қадар мактабларда ўқитилиб келинган халқимиз тарихи сохта эканлиги бугунги кунда маълум бўлди. Хусусан соҳибқирон Амир Темури босқинчи, золим эмас, адолатпарвар саркарда, бунёдкор шахс экани, Туронзамин Чор Россиясига қўшиб олинган эмас, балки босиб олинганлигини, биз қонхур, деган босмачилар аслида халқ озодлик ҳаракати вакиллари эканини энди билиб турибмиз.

Куни кеча ҳукуратимиз «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида қарор чиқарди. Унга кўра тарихчи олимларимиз юртимиз тарихини қандай булса шундайлигича босқичма-босқич тузиб чиқадилар. Бу борда тарихни сохталаштирмаклик, ёшларни мустақиллик гоёлари, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берилади. Янги тарих юртимиз утмишини урганишда сиз ўқувчиларга ҳам асқотади.

**Ботирлик шаҳар олар**

**САИД ФАРАЖ**

Бу йил бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллик тўйини нишонладик. Аммо биз фақат байрам ўтгунча эмас, доимо буюк аждодларимизнинг шон-шухратли ишларини ёдлаб туришимиз керак.

Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан фақат Ўзбекистондагина эмас, балки АҚШ, Оврупо ва Осиё мамлакатларида ҳам жуда қизиқадилар. XX аср араб саркардаси, генерал унвонидаги маърифатли инсон Сайид Фараж соҳибқирон ҳаёти ҳақида «Оламни ёритган қилич» номли тарихий қисса ёзиб, нашр эттирди. Бу асар ҳарбий санъатни ўрганиб, ватанини ҳимоя қилишга тайёрланувчи барча болалар ва ўсмирлар учун қизиқарлидир.

Бу тарихий қиссани «Олтин меъос» маънавият ва маърифат жамғармасининг илмий ходими Дилмурод Қўшоқов араб тилидан ўзбекчага таржима қилиб, «Тонг юлдузи»га айрим парчаларини тақдим этди. Ёш олим ва таржимонга маънавий-маърифий ишларида янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

**ОЛАМНИ ЁРИТГАН ҚИЛИЧ**

1336 йил. Бу қиличнинг тарихи Чингиз ворислари эгаллаган Моварсуннахр диёрининг қадимий шаҳри Самарқанд жанубида жойлашган Шахрисабз шаҳрида бошланади. Чингиз набиралари бу ерларга эътиборсиз қараб, ҳокимиятни орзу-ҳавас ва маишатга берилган волийларга (ҳокимларга) топшириб қуйган эди. Шу боис ҳам бу пайтга келиб, улар иши фақат ана шу волийлар тушраб берадиган мол-мулк билан кифояланиб қолгандилар.

Китобларда «Мовароуннахр диёри Оллоҳнинг уз бандалари учун яратган шаҳарларининг энг серҳосили, илмуфан, ободончиликка ва илмга бой ўлкасидир, одамлари динда мустақкам тургувчи, кучли ва буйсунмас, ҳамиша жиҳодда бўлиб, уларда бошқаларга душманлик йўқдир. Уларни, тушунадиганларни севадиган, меҳмондуст халқдур» дейилган.

Туронзаминдан бутун дунё тижорат аҳли утиб. Чин Хитойгача борарди. Уша пайтда узининг хийласи билан, Осиёдан Хитойгача машҳур бир кузи кур Қузжон (Амир Қозон) ҳоким эди. Шахрисабз Туроннинг энг гузал шаҳри бу-

либ, унинг энг катта шайхи (улуғи) Муҳаммад Тарағай тақводор, намоз ва ибодатга ружу қуйган, зоҳиднома бир киши эди.

Кунларнинг бирида у тушида бир чиройли ва савлатли арабни курди. Араб унга бир қилич берди. Муҳаммад Тарағой қилични ҳавода уйнатганда бутун дунёни ёритиб юборди. Тонг отгач, уалиёлардан бирининг ҳузурига бориб, тушининг таъбирини суради. У (Шамсиддин Кулол) «Оллоҳ сенга қиличдек утқир бир покиза фарзанд беради. У оламни хайратга солиб, кишиларнинг қалбларини исломга мойил қилади ва бутун оламни гумроҳлик ва жаҳолатдан қутқаради», — деди. Буни эсда тутган Тарағай оиласида фарзанд дунёга келиши биланоқ мурғакни буюк авлиё ҳузурига келтирди. Бу пайтда авлиё Қуръон уқийтган эди. У киши гудаке Темур деб ном қуйди. Кейинроқ бир урушда теккан жароҳат туфайли бир оёғи оқсоқ бўлганлиги хорижда учун хорижда «Темурланг» номи билан машҳур бўлди.

(Давоми бор)

Афандининг ўғли мактабниб, онасига шундай депти: — Ойи, янги келган уқитувчимиз аввалгисидан яхши экан.

— Хуш, нега бундай деясан? — сурабди онаси.

— Биласизми, ойижон, янги уқитувчимиз «ёмон» баҳонни кулиб туриб қуяркан.

\*\*\*

Меҳмондорчиликдан қайтган она ўғлидан сурабди:

— Ишқилиб мен йўғимда яхши утирдинларми, болам?

— Ҳа, ойижон, яхши утирдик, — депти Афандининг ўғли, — Наби акам олти та пиёла, иккита чойнакни синдирганлари йўқ.

— Вой шурим, — депти она ачиниб, — Наби акангнинг узи қани?

— Менга музқаймоқ олиб келгани кетдилар, — депти Афандининг ўғли Шўхмирза.

\*\*\*

— Қўшнимизнинг боласи Шўхратжон жуда оғир, вазмин бола бупти-да, — депти Афанди ўғли Шўхмирзага.

— Синфдошим Соли бундан ҳам оғир, дада, — депти Шўхмирза, — кеча ўзини торттирган экан эллик беш кило чиқибди.

\*\*\*

— Онанг яхши утирибди-ми? — сурабди холаси Шўхмирзадан.

— Йўқ, — депти Шўхмирза, — мен келатганимда ойим тик турган эдилар.

**Шўхмирзанинг газетага йўллаган хабарлари**

«Учтерак» гузаридаги мактабда болаларнинг рост сўзлаш бўйича очик конкурси ўтказилади. Конкурс шартлари-га кўра, болалар ўз айбларини рўйи-рост очиб ташлашлари керак. Конкурснинг асосий мақсади болаларни ростгўйликка ўргатиш. Фолиблар 31 феврал кунни аниқланади.

мухбири ундан интервью олади. «Мен бу ишни шон-шухратга кўмилиш учун қилмадим, — дейди Беғамов камтарлик билан, — бу ўзим кутмаган ҳолда юз берди. Йўлда мени ит қувлаган эди.

\*\*\*

«Ҳайронобод» мавзеидаги ўрта мактабнинг мажлислар залида шу мактаб дарвозаси ёнидаги ахлатхонани йўқотишига бағишланган семинар кенгаиш бугун ўз ишени бошлади. Семинар кундалигига ўттиз тўртта маъруза киритилган. Уқув машғулоти қишки таътилга кўчирилади.



**Қадри болалар!** Сиз кўпгина болалар ёзувчиларининг ҳажвий, кулгига бой асарларини қизиқиб ўқигансиз. Ўзига хос катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу асарлар осонлик билан дунёга келмаган. Сизга завқ бағишлаш мақсадида тунларни тонларга улаб ижод қиладиган ёзувчилардан бири Олим Маҳкамдир.

**Бир нечта шеърый китоблар муаллифи Олим ака:** «Нега катта ёшдагилар учун Афанди латифалари, аскиялар бору болалар учун йўқ? Афандининг ўғли қаерда? Нега у болаларга хизмат қилмайди? — деб ўйлардилар. Ниҳоят изланишлари зое кетмади. Танишинг: Афандининг ўғли — Шўхмирза!

\*\*\*

«Богистон» мавзеидаги мактабнинг 7-«Б» синф ўқувчиси Боқи Беғамов кеча умрида илк бор дарсга кечикмай келди. Синфдошлари уни қутлашди. Мактаб деворий газетасининг

\*\*\*

Ажойибот массивида уй вази-фасини ишлаб берадиган «Хизмат — беминнат» кооперативи ишга тушди. Бу кооперативга аъзо бўлишни истаганлар мактаб уқитувчилар жамоасидан тавсиянома олиб келишлари керак».

**Олим МАҲКАМ.**



Афсоналарда айтилишича бир киши ялмоғиз кампирга дуч келиб қолиб, «Ассалому алайкум», дебди майинлик билан. Шунда одамхур, менга ҳам салом берувчилар бор экан-ку, деб уйлаб, «Тар саломинг бўлмаганда, икки ямлаб бир ютардим», — дебди-да, унга яхшилик қилмоқчи бўлибди... Демак, салом ҳар қандай одамни, ҳатто ёвуз ялмоғизнинг ҳам кунглини юмшатар экан.

Саломлашиш турли халқларда турличадир. Бизда қул олиб куришиш ибтидоий уруғчилик даврида келиб чиққанлиги тарихдан маълум. Ибтидоий одамлар бир-бирларига дуч келганларида, «мен севга тегмайман, мана, қўлимда тошим йўқ», дегандай бир-бирларининг қулини ушлаб қуйишаркан. Қул бериб саломлашиш уша пайтдан мерос бўлиб қолган.

Кўпчилик Европа халқлари эса саломлашганда бош кийимини ечиб-кийиб қўяди. Ҳиндистонликлар

**САЛОМЛАШИШ — ОМОНЛАШИШ**

кафтларини жуфтлаб пешоналарининг уртасига теккизиб саломлашишади. Афгонлар саломлашишганда ун қулини манглайига тегизиб таъзим этади. Африканинг жангалдоронларида истиқомат қилувчи қабилалардан бир хили дуқ-луписадан иборат сузаларни айтишади. Хитой вилоятларидан бирида аҳоли бири-бири билан куришганда: «Сен бугун овқат едингми?», «Қорнинг туқми?», деб сурашаркан. Тибетликлар саломлашганда бир-бирларига қараб тилларини чиқаришиб, кулиб қуйишаркан.

Аммо, Тошкент шаҳридаги Сирғали туманида жойлашган 104-мактаб ўқувчилари билан саломлашмоқчи бўлсангиз, қулларини кўксиларига қуйиб, «Ассалому алайкум» дейдилар. Сиз суратда қуриб турган ўқувчилар мактаб директори Абдунаби ака Орипов билан худди шундай саломлашишяпти.

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

<p><b>ТОНГ ЮЛДУЗИ</b></p> <p><b>Муассислар:</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КўМИТАСИ</p>	<p><b>Бош муҳаррир</b> <b>Умида АБДУАЗИМОВА</b></p>	<p><b>Таҳрир хайъати:</b> Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора Йўлдошева, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.</p>	<p>IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0709. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босинг топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30.</p>	<p>• Рўйхатдан ўзинг тартиби № 000137 • Маълумоти: 700083. • Тошкент шаҳри, • Матбуотчилар кўчаси, • 32-уй. • Нашр кўрсаткичи: № 64563 • Телефон: • 33-44-25</p>
---	---	---	---	--